

Ғам-ташвиш етса, ушбу калималар билан дуо қилинг!



09:55 / 17.05.2025 1853

Абу Мусо Ашъарий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«**Кимга ғам-ташвиш етса, ушбу калималар билан дуо қилсин, деганларида, бир киши: «Эй Расулуллоҳ мана шу калималардан бебаҳра қолган киши хасоратдами» деди.**

Расулуллоҳ: «**Ҳа**», деб жавоб бердилар. Сўнгра, «**Бу калималарни ўзинглар айтиб, бошқаларга ҳам ўргатинглар. Ким бир нарса талабида ана шу калималарни айтса, Аллоҳ ундан хафаликни кетказиб, хурсандчилигини зиёда қилади**», деб ўша калималарни айтдилар:

?????????? ?????? ??????????? ??????? ????????????

??????? ??????????? ??? ?????????????? ????????????

????????? ?????? ?????? ??????????? ??????? ??????

????????????? ?????????????? ?????????? ?????? ?????? ??????

????????????? ?????? ??????????????? ?????? ?????????????????????? ????

?????????????? ?????? ?????????????????? ?????????? ??????

????????????? ??? ?????????????????????? ?????? ??? ??????????

????????????? ??????????????? ?????? ?????????????? ???????????????

????????????? ??????? ?????????????? ??????????????? ??????????????

?????????????? ?????????????? ??????????????? ??????????

«Аллоҳумма ана ʼабдука, вабну ʼабдика, вабну аматика фий қобзотик, насийатий бийадик, мазин фиййа ҳукмук, ʼадлун фиййа қозоук, ас`алука бикулли исмин ҳува лака саммайта биҳи нафсака ав анзалтаҳу фий китабика ав ʼалламтаҳу аҳадан мин холқика ав иста`сарта биҳи фий ʼилмил ғойби ʼиндака ан тажʼалал Қуръанал ʼазийма нуро содрий ва робийъа қолбий ва жилаа ҳузний ва заҳааба ҳаммий».

Маъноси: Аллоҳим! Мен Сенинг қулингман, қулингнинг ўғлиман, чўрингнинг зурриётиман. Сенинг қабзангдаман. Кокилим Сенинг қўлингда. Ҳукминг менинг устимда жорийдир. Сенинг ҳукминг одилдир. Ўзингни номлаган ёки китобингда нозил қилган ёки халқингдан бирор кишига ўргатган ёки ғайб илмингда сақлаб қўйган исмларинг ила сўрайманки, Буюк Қуръонни дилимнинг нури, қалбимнинг баҳори, маҳзунлигимни аритувчи ва ғамимни кеткизувчи қил.

Ибн Сунний ривояти.

Имом Нававийнинг «Ал-Азкор» китобидан

Таржимон Анвар Аҳмад

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2290-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.